

ЎЗБЕК
ФИЛОЛОГИЯСИНИНГ
ДОЛЗАРЪ
МУАММОЛАРИ



Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети

ЎЗБЕК ФИЛОЛОГИЯСИНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

*Ўзбек филологияси факультети профессор-
ўқитувчилари ва аспирант, тадқиқотчи
ҳамда талабаларининг
Илмий анжумани материаллари*

**ТОШКЕНТ
«MUMTOZ SO'Z»
2010**

Аҳмедов К. Устозларга бағишланган сўз.....	100
Бозорова С. Олис мозийдаги тақдирлар талқини.....	102
Норбеков Р. Тоғай Мурод ҳаёти ва ижодига чизгилар....	108
Амонов Ш. Ҳамза лирикасини тадқиқ қилиш тамойиллари.....	111
Тожибоева Д. Ритмнинг ўзига хос хусусиятлари (Хуршид Даврон шеърляти мисолида).....	118
Атаниёзова М. Олим Шарафиддинов – навоийшунос....	120
Каримов О. Абдулла Орипов шеърлятида метафорик образлар тизими.....	123
Ҳайитов Ш. Бобур “Девон” ининг туркча нашри.....	127
Аметова У. Сиймолар сиймоларда такрорланадилар.....	131
Козлова Л.С. К характеристике речевой природы символа.....	133
Умарова М. Шекспир драмаларида вақт концепцияси...	138
Саидкулов И. Ўтмиш чаманидан бир даста.....	144
Қобулова Ф. Истиклолдан руҳланган шоира.....	146
Норбобоева М. “Тилсим салтанати” романида мифологик образларнинг тарихий-бадий талқини.....	148
Раҳмонова З. Фольклор материалларига қиёсий-типологик ёндашув.....	151
Расулова С. Тоҳир Маликнинг “Мурдалар гапирмайдилар” қиссасининг услубий жиҳатлари.....	154
Назарова Ш. Огаҳий ижодҳонаси.....	157
Кубаева Н. Алишер Навоийнинг “Бадойиъу-л-бидоя” девонида анъанавий образлар.....	162
Тўлабоева З. Асқад Мухторнинг жаҳон адабиёти ҳақидаги фикрлари.....	165
Хўжаева Х. Бобур рубоийларида таносуб санъати.....	167
Эржигитова Г. «Алпомиш» ва «Бомси Байрак» дostonларида аёллар образи.....	170
Намозова Ш. Эркака ташна дил изҳорлари.....	172
Ибодуллаева Н. «Улуғ салтанат» романи туркча таржимасида мақол ва ибораларнинг ифодаланиши....	175
Турсунова Д. Гадоий ғазалларининг вазн хусусиятлари....	178
Бекбалаева Ш. Жеймс Жойс ижодининг ўзбек адабиётшунослигида ўрганилиши.....	181
Pozilova M. Hozirgi o'zbek adabiyotida “Kleopatra” obrazi talqini.....	184

ТОҲИР МАЛИК “МУРДАЛАР ГАПИРМАЙДИЛАР” ҚИССАСИНИНГ УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Ўтган асрнинг ўрталаридан эътиборан шакллана бошлаган детектив адабиёт шиддат билан ривожланиб, XX асрнинг сўнгига келиб ўзининг юқори чўққисига кўтарилди. Ва детектив адабиётнинг жамият ҳаёти ва одамлар турмуш тарзидаги хилма-хил зиддиятли муаммоларни айрича бадиий талқин этувчи адабиёт эканлиги маълум бўлди. Бу жараёнда бевосита детектив адабиёт ижодкорлари қаторида Тоҳир Малик ҳам фаол ҳаракат қилди. Шунинг учун бугунги миллий адабиётни ушбу ёзувчисиз тасаввур қилиш қийин.

Тоҳир Малик адабиётда ўзига хос услуб ва йўналишга эга ижодкор. Айниқса, унинг асарларида бу нарса яққол кўзга ташланади. Хусусан, унинг биргина «Мурдалар гапирмайдилар» қиссаси ёзувчига хос қирраларни намоён қилади. Ушбу қиссада тил, образлар тасвири, портретлар, характер хусусиятлари ва услуб етакчи ўринга эга. Айниқса, ёзувчининг мазкур қиссани яратишдаги танлаган услуби алоҳида аҳамиятга эга.

Услуб ҳар бир ёзувчида турлича бўлади. Тоҳир Малик ҳам ёзувчи сифатида ўзига хос услубга эга. Бу унинг тилида, қаҳрамонлар портретини чизишда, тасвир ва ифода воситаларидан фойдаланишда кўзга ташланади. Ёзувчи «Мурдалар гапирмайдилар» қиссасида қаҳрамонларга портрет яратишда Қодирийдек образларнинг ташқи кўринишини батафсил чизиш йўлидан бормайди. У деярли барча қаҳрамонларга бошдан-оёқ портрет ёзмайди. Ёзувчи қаҳрамонларнинг қиёфаси, характериға хос айрим деталларни бериш билан кифояланади. «...Истарали бу йигитнинг покиза одам эканини юзидан ёғилиб турган нур ошкор этиб турарди» (8-бет).

Ёзувчи яна портрет яратишда айрим қаҳрамонларнинг ўзларининг гапларидан фойдаланиб, унинг сийратини очиб беради: “Одам фақат Яратгангагина қулдир. Банда бандага қул бўлмайди” (15-бет).

Тоҳир Малик қиссада портретга жуда катта диққатни қаратса-да, пейзажни қўллашда эса сал зиқналик қилади. Ёзувчи табиатга мурожаат қилганда ҳам тасвирни маҳорат билан жуда гўзал, таронали усулда беради. Табиатнинг ҳар бир гўшасига, жонзотига жило, ранг, жон ато қилади. Ташбеҳот, ўхшатиш, истиоралар, жонлангиришлар қўллайди:

“Қуёш ўз фаслига хиёнат қилиб, кузнинг заҳарли нафаси ҳукмини ўткази бошлагани учун чайлага жойлашган “политбюро”нинг “штаб-квартира” си баракка кўчирилган эди. Бу ерларнинг бетайин ҳавоси ўзини намоёни этган — эзиб ёққан ёмғирдан сўнг оз фураат юз очувчи офтоб баданга ҳарорат беришга улгура олмас ҳам эди. Маҳбусларни қийратиш ташлаган чивинлар келгуси ёзда учрашиш умидида иссиқ уяларига кириб кетганлар. Чивинлар азобидан қутулган маҳбуслар учун шу шилта аёзли мавсум аълороқ туюлар эди”(23-бет).

Ёзувчи сўз қўллашда ҳам эҳтиёткор бўлиб маълум бир вазият ва ҳолат умуман, воқеликни тасвирлашда сўзларни топиб ўрнида ишлата олган. Саид Аҳмад: “Қаҳҳор ҳикояларидаги сиқиклик, сўзни исроф қилмаслик, тагдор гап айтиш санъати мен учун бир дарслик хизматини ўтади!” деб ёзган эди. (Кўшжонов М. Ҳаёт ва қаҳрамон. Адабий — танқидий мақолалар.-Т.: 1979, Б.83). Тоҳир Малик асариде портрет ва пейзажлар ўз ўрнида сўз билан сайқалланган, унча ҳам сиқиклик, сўзни исроф қилиш йўлидан бормаса-де, тасвир ва тавсиф қилишлари ўринли ҳамда жоиз саналади.

Услуб бадиий асарнинг умумий колорити, тони, образлар яратиш методи, бадиий тасвир воситаларидан ўзига хос яхлитлик, санъат асари шаклида намоён бўладиган бадиий-ғоявий хусусиятлар бирлиги, яъни санъаткорнинг дунёқарашини ифодаси, асардаги асосий фикр, етакчи ғояга хизмат қиладиган сюжет, характерлар, тасвир воситалари доираси, тили ва бошқалардаги умумийлик, яхлитликдир. Хусусан, Тоҳир Малик услубида ҳам умумийлик, яхлитлик бор. Ёзувчи халқ тилини яхши билади. Воқеаларни англантиш учун сира қийналмасдан халқ тилининг хазинасидан истаганича фойдаланади. Асарда юзларча мақоллар, махсус ифодалар, тугал гаплар, сўз ўйинлари ярқирайди. Ёзувчи персонажлар нутқига жуда усталлик ва меъёрни сақлаган ҳолда

халқ мақоллари, фразеологик бирликларни киритади. Улар қаҳрамонларнинг руҳий дунёсини, характерини, аслида қандай инсонлигини теранроқ очишга туртки бўлади: “...Аслида Тошболта юлдузни бенарвон урадиганлар тоифасидан эмас эди. Турсунали гумон қилганидек, озгина лақмалиги ҳам бор эди. Аммо каттароқ даромаднинг шидини сезса, лақмаликни қувар эди...Чўнтак пулга тўлгач, юриш-туриш ҳам бўлакча бўлди. Кўрмаганнинг кўргани курсин, деганлари шу-да!” (151-152 бетлар).

Ёзувчи асарда ўғрилар, жиноятчилар тўдасига тегишли бўлган сўз ва ибораларни ҳам айнан беради. Бироқ бундай қўллаш ҳеч қандай ғализликни келтириб чиқармайди. Аксинча, асар сюжетининг ишонарли чиқишига сабаб бўлган. Бу ҳам ёзувчи услубининг бир қиррасидир:

“Тоғ дедингми?.. Аммо суяниш учун тоғ ҳаққини тўлашинг керак. Очиқликда ҳар ой маош олардингми? Ҳа, олардинг. Худди шунга ўхшаб, суянадиган тоғ ҳаққини ҳар ойда тўлаб турасан. Сен бутун биксангга бир малява ёзасан. Ҳар ойда пул юбориб туради...Агар шартимизни бажармасанг, аввалига трамвайга қўямиз. Кейин беспределъшикнинг эрмагига айланасан” (13-бет).

Услуб масаласи ҳақида гап кетар экан, шу ўринда ёзувчи Пиримқул Қодировнинг куйидаги фикрини келтириб ўтиш жоиз: “Услуб — ёзувчининг таланти ва табиатидан келиб чиқади ва бевосита бадиий тилда акс этади. Услуб — ёзувчи танлаган мавзуга ҳам, характерларга ҳам, бошқа ҳамма компонентларга ҳам таъсир қилиши шубҳасиз. Лекин бу таъсир ҳамиша бадиий тил воситаси билан адабиётнинг асосий қуроли. Ёзувчини бу қуролдан фойдаланиши унинг услубини белгилайди” (П.Қодиров, “Халқ тили ва реалистик проза”. Т.: 1973, 144-бет).

Демак, адабиётда ҳар бир ёзувчининг ўз услуби бор. Агар маълум бир схемаларга таяниб асар яратилаверганида эди, табиат манзаралари ҳам, бадиий ифода ва тасвир воситалари ҳам, қаҳрамон ҳам, муҳит тасвири ҳам ҳамма асарларда бир хил маънода, бир хил йўналишда акс этилаверарди.

Хулоса қилиб айтганда, Тоҳир Малик асарларидаги ўзига хос услуби билан бугунги адабий жараёнда ўз ўрнига

эга. Хусусан, буни унинг биргина юқорида кўриб чиққан “Мурдалар гапирмайдилар” қиссаси ҳам тасдиқлайди.

НАЗАРОВА Шаҳноза,
талаба

ОГАҲИЙ ИЖОДХОНАСИ

Жаҳон цивилизация ривожда муҳим ўрин тутадиган кўп асрлик мумтоз адабиётимизни чуқур ўрганиш билан халқимиз бадиий-эстетик тафаккури тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини очишга имкон берадиган жиддий ҳулосалар чиқариш мумкин бўлади. Огаҳий туркий халқлар адабиётида ижодий меросининг кўлами, фалсафий дунёқараши, ижтимоий сўроқларга берган дадил жавоби билан Алишер Навоийнинг энг муносиб шоғирди дея қаралади. Муҳаммад Ризо Мироб Эрнийезбек ўғли Огаҳий йигирмага яқин таржималар, беш бадиий-тарихий асар, ўз кўли билан тартиб берган икки шеърый тўпламдан иборат ўлмас мерос қолдирди. У “Таъвизул-ошиқин” деб очасида “фақирнинг ўз мусаннафотидин” дея қуйидагиларни зикр қилган эди: “Риёзуд-давла” ким, Оллоқулихон воқеотиға муштамилдур, “Зубдатут-таворих” ким, Раҳимқулихон воқеотиға муштамилдур ва “Жомиул-воқеот” ким, Муҳаммад Аминхон воқеотиға муштамилдур ва “Гулшани давла” ким, Сайид Муҳаммадхон мархумининг воқеотиға муштамилдур, “Иқболи Ферузий” ким, Муҳаммад Раҳимхон дома иқболанинг муборак воқеотиға муштамилдур ва девони туркийким “Таъвизул ошиқин”ға мавсумдур. Қасоиди ва рубоъиёти ва маснавиёти ва ғазалиёти форсий”¹.

Туркистон ва туркий халқлар тарихини ёритишда, XIX асрдаги ижтимоий муносабатларга ойдинлик киритишда шарқшунос академик В.В.Бартольд («К истории орошения Туркестана», «История культурной жизни Туркестана»), А.Л.Кун, П.П.Иванов («Очерки по истории Средней Азии»

¹ Огаҳий. Асарлар. 6 жилдлик. 1- жилд. — Т.: Ф.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. — Б. 48.